



2020 у. «2» сентябрь

№ Қ-429

« » 20 г.

**Музработ тумани Р.Бўриев массиви
худудидан “AGRO CHORVA BARAKA
KOMPLEKSI” МЧЖга “Озуқа экинлари
экиш” учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 майдаги 05-02/328-сон йиғилиш баёни ва Музработ туман ҳокимининг 2020 йил 01 июндаги 01-05/113-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 майдаги 05-02/328-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани Р.Бўриев массиви худудидан “AGRO CHORVA BARAKA KOMPLEKSI” МЧЖга “Озуқа экинлари экиш” учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлоқ хўжалиги харитасининг 510, 511, 512, 513, 515, 516, 518, 562, 563, 565, 566, 569, 570, 571, 572, 573, 576, 578, 579, 580, 586, 588, 590, 591, 592, 593, 599, 601, 417, 457, 445, 446, 447, 448, 429, 430, 431, 433, 434, 435, 437 ва 438-дала контурларидаги ўртача тупрок унумдорлиги 48,0 балл бонитетли жами 486,6 гектар, шундан 471,9 гектар суғориладиган экин ер, 1,7 гектар яйлов, 2,0 гектар ихота дарахтзорлар, 7,9 гектар сув ости ер ва 3,1 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов